

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Ўз РССВ Фан ва таълим
бошқармаси бошлиғи
Ҳ.С. Исмаилов
2021 йил «21» ғеварз
№1 баённома

«КЕЛИНИЛДИ»
Ўз РССВ Тиббий таълимни
ривожлантириш маркази
директори
Н.Р. Янгиева
2021 йил «15» ғеварз
№1 баённома

**ЭХИНОКОККОЗНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ, ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ,
ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК
НАЗОРАТИ**

**Тиббиёт олий таълим муассасалари V курс талабалари
учун ўқув – услубий қўлланма**



Тошкент - 2021

Расулов Ш.М., Матназарова Г.С. //«Эхинококкознинг этиологияси, эпизоотологияси, эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати »: ўқув-услубий қўлланма/ ТТА нашриёт ва муҳарририят бўлими, 2021– Ташкент – 36 б.

Тузувчилар:

Расулов Ш.М. Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси PhD докторанти

Матназарова Г.С. Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори

Тақризчилар:

Миртазаев О.М. Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Искандарова Г.Т. Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази, эпидемиология кафедраси мудири т.ф.д., профессор

Ўқув – услугий қўлланма Тошкент Тиббиёт Академияси “Марказий-услубий ҳайъати” кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқлашга тавсия этилди. «24» ноябрь 2020 йил. баёни № 3

Ўқув – услугий қўлланма Тошкент Тиббиёт Академияси “Илмий кенгаш” томонидан кўриб чиқилди ва тасдиқлашга тавсия этилди. «25» декабрь 2020 йил. баёни №7

Илмий котиб т.ф.д., профессор

Исмаилова Г.А.

© Расулов Ш.М., Матназарова Г.С.

© Тошкент тиббиёт академияси, 2021

А Н Н О Т А Ц И Я

Эхинококкоз (*Echinococcus granulosus*) баъзи бир сутэмизувчи ҳайвонлар ва одамларда учрайдиган, оғиз орқали юқадиган, асосан одамнинг паренхиматоз органларини (жигар, ўпка, талоқ ва бошқа турли аъзолар) шикастлаб, сурункали кечадиган, эхинококк гижжаси қўзғатадиган паразитар касалликдир.

Эхинококкоз инсониятга қадимдан маълум бўлган касаллик хисобланади. Ўқув услубий қўлланмада эхинококкоз қўзғатувчисининг этиологияси, худудлар бўйича тарқалганлик даражаси, эпизоотологияси, эпидемиологияси, одам организмидаги касалликнинг кечиши, патогенези, эпидемиологик ва клиник ташхисоти, оқибатлари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари батафсил ёритилган.

“Эхинококкознинг этиологияси, эпизоотологияси, эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати”дан ўқув услубий қўлланманга шифокорлар, тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари ва магистрлари учун мўлжалланган бўлиб, ўқув қўлланмада эхинококкоз касаллиги бўйича замонавий маълумотлар келтирилган.

ҚИСҚАРТМАЛАР

- | | |
|-------------------|--|
| ДПМ | – Даволаш – профилактика муассаси |
| ЖССА | – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ассамблеяси |
| ЖССТ | – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти |
| ҚВП | – Қишлоқ врачлик пункти |
| МДХ | – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги |
| РФ | – Россия Федерацияси |
| РЭТ | – Ретроспектив эпидемиологик таҳлил |
| Сан Қ ва М | – Санитария Қоида ва Меъёрлари |
| СЭОА | – Санитария эпидемиология осойишталик агентлиги |
| ЎзР ССВ | – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш
Вазирлиги |
| ХТСҚ | – Халқаро тиббий-санитария Қоидалари |

КИРИШ

Инсоният XXI асрга қадам қўйган бир даврда, фан ва техникадаги эришилган ютуқларга қарамасдан, аҳоли орасида баъзи бир юқумли касалликлар кўплаб қайд қилинмоқда, баъзилари эса батамом тугатилган эмас. Юқумли касалликларни, жумладан эхинококкозни аҳоли орасида батамом тугатиш ёки янада камайтириш санитария-эпидемиология соҳасида хизмат қилаётган мутахассисларнинг билим савиясига ва уларнинг иш фаолиятига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари ва магистрлари эхинококкознинг этиологияси, эпизоотологияси, эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини чукур билишларини, ушбу мавзуга оид назарий ва амалий билимларни амалиётга тўлиқ тадбиқ қилишларини тақозо қилади.

ЖССТ маълумотларига кўра бутун дунёда вафот этаётган 50 миллион кишининг 16 миллионидан кўпроғининг ўлим сабаби юқумли ва паразитар касалликлар хисобланади [18,24,28]. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда эхинококкоз билан ер юзида 1 миллиондан ортиқ киши заарланган, бунда баъзи эндемик ва ноэндемик минтақаларда ушбу хасталик билан касалланиш кўрсаткичи 200 мартадан кўпроқ фарқ қиласди. Сўнгги ўн йилликларда эхинококкоз билан касалланишни ўсиши ва касалликнинг географик чегарасининг кенгайиши кузатилмоқда [23,30].

Ўзбекистон Республикаси эхинококкоз бўйича эндемик ҳудудга киради. Расмий маълумотларга кўра заарланиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига 6-9 кишини ташкил этади. Эхинококкоз сабабли ҳар йили ўтказиладиган жарроҳлик операциялар сони 1000 дан 1500 гачани ташкил этади [1,2,13,21].

Ушбу ўқув-услубий қўлланма эхинококкоз касаллигининг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга ва касалликдан кутиладиган турли асоратларни камайтиришга, беморларга ва уларнинг қариндош-уруғларининг иқтисодий, руҳий ва ижтимоий ҳимоя қилинишига имкон яратади.

1. ЎҚИТИШНИНГ МАҶСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўқитишнинг маҷсади – талабаларда эхинококкознинг ҳайвонлар ва аҳоли орасида учраши, тарқалишининг сабаблари ва унинг олдини олиши ҳақидаги назарий билимларни ва амалий қўнималарни шакллантириши.

Ушбу электив курсни ўқитишнинг вазифалари:

- эхинококкознинг замонавий эпизоотологик ва эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш;
- ушбу соҳа бўйича бутун дунёда илгор мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;
- эхинококкозга қарши қилинадиган чора-тадбирларни ташкиллаштиришнинг меъёрий ва ҳуқуқий асослари;

- бутун дунё ва Ўзбекистонда эхинококкознинг эпидемиологик назоратининг ташкилий ва услубий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда эхинококкозни даволаш ва унинг олдини олиш дастурини ўрганиш;
- эхинококкозда клиник-диагностиқ, даволаш ва профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашни ўрганиш.

2. БОШҚА ФАНЛАР ВА МАВЗУЛАР ОРАСИДАГИ ЎРНИ

Эхинококкознинг этиологияси, эпизоотологияси, эпидемиологияси, патогенези, профилактикаси ва эпидемиологик назорати. Тиббиёт соҳасидаги талаба ва магистрларни мутахассисликка ўргатадиган маҳсус фанлар ичига кирадиган электив (қўшимча) курс ҳисобланади. Ушбу электив курсни ўзлаштириш учун талабаларда куйидаги фанлар бўйича дастлабки, бошланғич билимлар бўлиши лозим;

Фалсафа, миллий истиқлол ғояси. Касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари хақидаги назария; формал мантиқ услублари; эхинококкозда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун ўтказиладиган тадбирларнинг этик асослари.

Биология. Паразитизм, паразитар тизим. Эхинококк паразити ва хўжайнин организмининг ўзаро муносабатлари.

Зоология. Эхинококкоз қўзғатувчисининг ҳайвонлар организмида яшashi ва ҳайвонлар организмида келтириб чиқарувчи ўзгаришларини.

Микробиология, вирусология, иммунология. Микроорганизмларни тасниф қилиш мезонлари, қўзғатувчининг пайдо бўлиш эволюцияси ва токсинларининг организмга таъсири.

Иқтисодиёт. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил. Касалланишниг иқтисодий зарарини ҳисоблаш. Эхинококкозда қилинадиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини ҳисоблаш усуллари.

Хуқуқшунослик. Шифокорлик касбининг ахлоқий, этик меъёрлари ва қоидалари.

Патологик физиология, клиник патофизиология. «Касаллик» ва «саломатлик» тушунчалари. Эхинококкознинг патогенези.

Фармакология. Эхинококкознинг олдини олиш ва қайта касалланмаслиги учун даволаш.

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш. Эхинококкоз беморларига тиббий ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тузилмаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Гигиена. Эхинококкоз билан касалланишга сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг санитария гигиеник тавсифи.

Эпидемиология. Эхинококкозни ўрганишда эпидемиологик ёндашув. Эхинококкоз билан касалланиш сабабларини аниқлашда эпидемиологик текширув усулларининг аҳамияти. Эхинококкоз касаллигига асосий профилактик ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлар тизими.

ЭХИНОКОККОЗНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ, ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИ


Таърифи: Эхинококкоз (*Echinococcus granulosus*) баъзи бир сутэмизувчи ҳайвонлар ва одамларда учрайдиган, оғиз орқали юқадиган, асосан одамнинг паренхиматоз органларини (жигар, ўпка, талоқ ва бошқа турли аъзолар) шикастлаб, сурункали кечадиган, эхинококк гижжаси қўзғатадиган паразитар касалликдир.

Тарихи: Эхинококкоз касаллиги инсониятга қадимдан маълум бўлган. Тахминан эрамиздан 1200 йил муқаддам Букрот жигар эхинококкозини ўз асарларида „сувга тўлган жигар” деб атаган. Тиббиётнинг асосчиларидан ҳисобланган Гиппократ, Абу Али ибн Синолар ҳам ўз ишларида одамда учрайдиган эхинококкозга ўхшаган касаллик тўғрисида ёзиб қолдирган. Арасту ўз асарларида ўпка ва жигарнинг эхинококк пуфаклари билан заарланганлиги ҳақида маълумотларни эслатиб ўтган.

XVII аср охирига келиб, Италиялик табобатчи олим Франциско Реди биринчи бўлиб, эхинококкоз касаллигининг баъзи бир ҳайвонлар ўртасида учраши ҳақида, XVIII аср бошида эса Батч қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва одамда топилган „пуфакчалар” ит ичагидаги тасмасимон гижжанинг турли босқичлари эканлигини тахмин қилган.

Зиболъд 12та ит болалари ва 1та тулкига қорамол ва қўйнинг ўпкасидан олинган эхинококк пуфакчаларини едириб, шулардан 5та ит боласи ичагининг ингичка қисмида майда „уч бўғинли гижжа” пайдо бўлганлигини кузатган ва уларга эхинококк юқсанлигини тажрибада исботлаб, эхинококк гижжаси (*Taenia echinococcus*) деб ном берилган.

Этиологияси: Инсон эхинококкози Cyclophyllida отрядининг *Taeniidae* оиласига киравчи цистодаларнинг личинка босқичидаги 4 тури билан юзага келади: *Echinococcus granulosus* (A. Batsch, 1786), *Echinococcus multilocularis* (R. Leuckart, 1862); *Echinococcus oligarthrus* (K.M. Diesing, 1863) ва *Echinococcus vogeli* (R.L. Rausch, J.J. Bernstein, 1972). Клиник амалиётда дастлабки икки турдаги қўзғатувчилар энг кўп тарқалган ҳисобланади.



1-Расм. Етилган эхинококк (*Echinococcus granulosus*).

Тиббий адабиётларда *E.granulosus* сабабли юзага келадиган касаллик, анъанавий равища эхинококкоз деб номланса, *E.multilocularis* - томонидан чақириладиган касаллик альвеококкоз деб номланади. Бунда альвеококк (*E.multilocularis*) хавфли ўсма заарланишига ўхшаш бўлган инфильтратив ўсишга эга бўлади ва ўзининг ривожланишида амалий жиҳатдан ҳеч қачон кистозхосилаларни юзага келтирмайди. Ундан фарқли равища донадор эхинококк (*E.granulosus*) доимо киста ҳосил қилиш босқичини босиб ўтади.

Эхинококк ўзининг морфологияси, ривожланиш тезлиги, вирулентлиги, ареали ва бошқа омиллари билан фарқ қилувчи яққол намоён бўлган тур ичи полиморфизмига эга. Бу тур анъанавий равища штаммларга эга: G1-G10. Ҳар бир штамм одатда оралиқ хўжайинга эга бўлиб, у ҳаёт циклини сақлашда ўта муҳим ҳисобланади. Учта штамм - G1 (кўй), G2 (Тасмания кўйи) ва G3 (бука, буйвол) *E.granulosus* турига гурухланади G4 инсонларда учрамайди ва у туёкли ҳайвонлардан оралиқ хўжайин сифатида фойдаланади, у *E.equinus* деб номланади. Алоҳида тур ости штаммларини G5 (шохли қора мол *E.ortleppi*); G6 (туя), G7 (чўчқа), ва иккита G8 ҳамда G10 (буғу *E.Canadensis*). G9 штамми жуда оз ўрганилган бўлиб, у факат Польшада бир нафар одамда аниқланган ва баъзи мутахассислар уни G7 чўчқа штамми варианти деб ҳисоблайдилар.

Африкада *E.felidis* “шер штамми” қайд этилди. Асосий якуний хўжайини итлар оиласини ташкил этган эхинококкларнинг кўп сонли туридан қатъий назар бу штамм асосий хўжайин сифатида мушуксимонлар оиласини танлайдилар. Шуни таъкидлаш зарурки, ҳайвонлар тури бўйича эхинококк штаммларининг номланиши етарли даражада шартли бўлиб ҳисобланади, гарчи масалан, G4-G8 ва G10 штаммлари учун асосий хўжайин бўлиб итлар ҳисобланади. *E.granulosus* термини барча ушбу тур остидагилар учун умумий ҳолда қўлланилиши мумкин.

E.multilocularis эхинококкознинг алоҳида турини чақиради, у альвеококкоз, альвеоляр эхинококкоз ёки кўп камерали эхинококкоз номи билан маълум. Мазкур штамм Евроосиё, Шимолий Америка ва Хитой штаммларига бўлинади, улар ўртасидаги фарқ *E.granulosus* га нисбатан камроқ кўзга ташланади.


E.vogeli ва *E.Oligarthrus* томонидан чақириладиган касалликлар поликистозли эхинококкоз ёки неотропик поликистозли эхинококкоз номи билан маълум бўлиб, улар оралиқ хўжайин ва касаллик шакли билан фарқ қиласди. Бироқ, *E.Oligarthrus* томонидан чақирилган касалликларда инсонларда факт битта ёки жуда бўлмагандаги кисталар аниқланса, бу касалликни шартли равища бир камерали эхинококкозга киритиш мумкин.

E.vogeli учун якуний хўжайин бўлиб итлар ҳисобланса, *E.Oligarthrus* учун эса –ёвойи мушуклар ҳисобланади; ҳар икки тур учун оралиқ хўжайин бўлиб-кемирувчилар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, *E.Oligarthrus* билан заарланишни тажрибада уй мушукларида юзага чиқариш мумкин. Экзоген тарқалиш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас. Инсонларни кўзи

ва юрагининг киста билан заарланиш ҳолатлари жуда кам ҳолларда баён этилган.

Паразитнинг яна бир штамми *E. Shiqicus* номи билан маълум бўлиб, у фақат Хитойнинг Тибет тоғ олди вилоятларидағи Тибет тулкиси ва майда сут эмизувчиларида учрайди. Ўзининг мустақил номига эга бўлишига қарамасдан уни алоҳида турга киритиш керакми деган масала ҳали ҳам ноаниклигича қолмоқда.

Эхинококкоз қўзғатувчи сининг ҳаёт цикли: Эхинококк билвосита ҳаёт циклига эга бўлиб, у иккита оралиқ ва якуний хўжайинни алмаштирган ҳолда ривожланади (2-расм).



2-расм. Эхинококкнинг ривожланиш цикли

Келгусида эндопаразитик гижка ҳолидаги эхинококк жинсий етилиш босқичида баъзи ўтхўр ҳайвонларнинг ингичка ичагида яшайди, личинка босқичида эса одамлар, йирик ва майда шохли қорамолларнинг орган ва тўқималарида яшайди. Нажас массаси билан ташқи муҳитга тушган паразитнинг етилган тана аъзоси молхона, сув ҳавзалари, ҳайвонлар ва инсонлар турадиган хоналарни ифлослантиради.

Жинсий жиҳатдан етилган эхинококк паразитлик қилувчи организм бўлиб ҳисобланадиган дефенитив (якуний) хўжайин бўлиб, ўтхўр ёввойи ёки уй ҳайвонлари ҳисобланади. Кўп ҳолатларда паразитнинг ривожланиш цикли аниқ турдаги йиртқичлар ёки ўлаксахўрлар ва уларнинг емиши орқали амалга оширилади. Эхинококк инвазиясининг асосий манбайи дайди итлар, шунингдек молхоналарни қўриқловчи итлар ҳисобланади.

Якуний хўжайнинлар атроф муҳитга гельминт тухумларини, организмига паразит тушганда 4-12 хафтадан сўнг нажас билан ажратишни бошлайдилар. Етилиш жараёни ва паразит қисмларининг ажралиб чиқиши кўп бора такрорланади. Ҳайвонлар бир марта заарланиб, 2-3 йил давомида қўзғатувчининг манбаси бўлиб қолиши мумкин.

Одамларнинг заарланиши уч хил йўл билан юзага келиши мумкин: меъда-ичак тизимининг шиллиқ қавати орқали, нафас йўллари ва ўпканинг шиллиқ қавати орқали (асосан молхоналарда) ва очик жароҳат юзаси орқали. Инсонлар учун асосий инвазия манбаси бўлиб, жинсий етилган гельминтлар билан заарланган итлар ҳисобланади, бошқа йиртқичлар камроқ эпидемиологик аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда заарланиш туклари эхинококк билан заарланган ҳайвонларни парвариш қилганда ёки ювилмаган меваларни истеъмол қилганда юзага келади. Паст ҳароратда, ташқи муҳит омилларида паразит тухумлари узоқ вақт яшовчан бўлади.

Етилган эхинококк - узунлиги 5 мм гача бўлган майдага гельминт, итлар оиласига кирувчи вакиллар ингичка ичагида 5-20 ой давомида яшайди. Эхинококкнинг стробиляр шакли беш қисмдан иборат- 500 тадан 800 тагача бўлган, шаклланган тухум сақлаган, яхши ривожланган бачадонли етилган қисмга эга ва етилмаган гермофродит қисмлардир.

Етилган тана қисми гельминт танасидан узилиб чиқади, дефикациядан олдин ёки кейин парчаланади, ундан ўлчами 30-50 мкм бўлган, думалоққа яқин айлана шаклдаги тухумлар ажралиб чиқади. Бутунлай шаклланиб бўлган тухум бир неча қават ва мембронага эга бўлади.

Эхинококк тухуми иқлимий омиллар таъсирига юқори даражада чидамлидир ва қулай шароитда бир неча ҳафтадан бир неча ойгача ўз яшовчанлигини йўқотмайди. Улар намли шароитни ва ўртача ҳароратни жуда хуш кўради. Яшовчан эхинококк тухумларини намли тупроқда 30°C ҳароратда уч ҳафта давомида, $10-20^{\circ}\text{C}$ ҳароратда бир ойга яқин ва 6°C ҳароратда ярим йилгача аниқлаш мумкин. Қуёш нурини тўғридан тўғри тушиши ва қуруқ шароитда эхинококк тухумлари жуда қисқа вақт давомида яшовчан бўлади.

Эхинококк тухумининг устки қобиғи ёпишқоқ бўлиб, бу хусусият уларни ҳайвонлар жунига ва бошқа обьектларга осон ёпишиб олишига ёрдам беради. Ҳашоратлар (пашша ва қўнғизлар) ёки қушлар ҳам механик ташувчилар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, етилган тана қисмлари мустақил равишда ритмик қисқаришларни бажариши ва силлиқ юзага тушиб қолган ҳолатда 25 см радиусда сирпаниб ҳаракатланиши мумкин. Тана қисмларининг ҳаракатланиш вақтида уларнинг деворлари

йиртилади ва тухумлар ташқарига чиқади ва ташқи мұхитни ифлослантиради. Натижада нафакат ҳайвонлар, балки ташқи мұхитнинг барча объектлари – молхоналар тупроғи, дарвоза ва деворларнинг ташқи юзаси ва ҳ.к.лар ифлосланади.

Эхинококкнинг оралиқ хүжайини бўлиб, 70 дан ортиқ турдаги сут эмизувчилар, жумладан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари хизмат қилади. Эхинококкоз билан оғриган бемор одам факультатив оралиқ хўжайин бўлиб хисобланади, қўзғатувчини табиатдаги циркуляциясига сезиларли таъсир кўрсатмайди ва эпидемиологик хавфга эга эмас. Табиийки, бизнинг давримизда эхинококкоз билан оғриган беморларни ҳайвонлар томонидан ейиш ҳолатлари амалий жиҳатдан мумкин эмас. Аммо илмий адабиётларда бемор одамлардан жарроҳлик йўли билан ажратиб олинган, кисталар билан заарланган органларни касалхонанинг чиқинди идишларига ташланган ҳолатларида уларни итлар истемол қилиши натижасида мазкур итларни эхинококкоз билан заарланиш ҳолатлари баён этилган (И.Ю.Геллер 1989 й).

Эпизоотологияси. Бугунги кунда дунёда экологик ва антропоген омиллар таъсирида ҳайвонларнинг асосий цестодозларидан бири ҳисобланган эхинококкоз касаллиги дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида тарқалган бўлиб, эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамият касб этувчи хавфли касаллик ҳисобланади.

Эхинококкоз билан АҚШ да қўйларнинг 9,8%, итларнинг 11,3%, Россиянинг Марказий Кавказ ҳудудида, қўйларнинг 35-50%, итларнинг 25-100%, Қозоғистонда қўйларнинг 33,1%, итларнинг 68,7%, Ўзбекистонда қўйларнинг 15,8%, итларнинг 20% заарланганлиги қайд этилган [6,10].

Эхинококкоз айниқса қўйчилик билан шуғулланувчи қишлоқ минтақаларида кўп учрайди, у ерда итлар сўйилган қўйларнинг ички органларини истеъмол қилиши бунга асосий сабаб ҳисобланади. Ит гўшти инсонлар овқат рационинг бир қисмини ташкил этувчи ер шаридаги минтақаларда ушбу касаллик жуда кенг тарқалган. Масалан Кениянинг баъзи бир минтақаларида, майда ва йирик шохли ҳайвонларнинг 20-50% паразитар касалликлар билан заарланган ва унинг натижасида қишлоқ хўжалигига катта зарар келтиради [7,8,31].

Эхинококкоз касаллиги яққол клиник белгиларсиз кечиши билан бошқа гельминтозлардан ажралиб туриши сабабли ушбу касаллик билан касалланиш даражаси ҳақида аниқ маълумотлар берилмайди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бу касаллик тарқалган ва шунинг учун бизнинг республикамиз эхинококкоз учун эндемик ҳудуд ҳисобланади [1,3].

М.Аминжоновнинг (2003) текширишларига кўра қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида эхинококкоз тарқалганлиги қорамолларда 46,2%, қўйларда 65,0%, эчкиларда 12,0%, туяларда 35,0%, эшакларда 38,2% ва итларда 24,3% кузатилиши аниқланган [6,25].

Эхинококкоз касалигининг олдини олишда одамларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари мухим роль ўйнайди. Афсуски аксарият одамлар, айниқса болаларда шахсий гигиена, санитария-гигиена

маданияти ва бошқа гигиеник кўникмалари етишмайди. Аҳолининг ҳайвонларни уй шароитида шу жумладан итларни сақлаш ва уларни парваришилаш маданияти ўта пастлигини, қуидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Республикаизда ҳар йили ўртacha 50-55 минг нафар одамлар ҳайвонлар (асосан итлар) тишлишидан жабрланиб, тиббий ёрдамга мурожаат қилаётганликлари (фақат рўйхатга олингандар), бу тишиланишларни 75% дан кўпроғи хонаки итларга тўғри келаётганлиги ҳам ит эгаларининг ит сақлаш қоидаларини билмаслиги ва риоя этмаслигида, уларни бу борадаги маданияти пастлигидан дарак берувчи, инкор этиб бўлмайдиган далилдир.

Яна бир жиддий масалага этибор қаратиш керак. Ит сақланадиган хонадонларда итларнинг нажаслари йиғилиб, ёкиб ёки чуқур қазилиб кўмиб ташланмайди. Яъни заарсизлантирилмайди. Агар итлар эхинококк билан зарарланган бўлса ҳовли худудларига, кўчаларга, майдонларга тўғри келган жойга ахлатини қолдириб кетади, натижада ташқи муҳит айниқса тупроқ, ўт-ўланлар, сабзавотлар, кўкатлар, бошқа экинлар, хуллас ҳамма жойлар эхинококк тухумлари билан ифлослатирилади [10].

Республикаизнинг чорак миллиондан ортиқ аҳолиси яшайдиган Бухоро шаҳрида ўтказилган ҳисоб китобларга кўра, итлардан ҳар куни ўртacha 1500-2000 кг нажас тупроққа тушар экан. Италиялик экологларнинг олиб борган худди шунга ўхшаш текширишларида Рим шаҳрида итлардан ҳар куни чиққан ўртacha 19250 кг ахлат ва 82600 л. сийдик тупроқни ифлослантирас экан. Бу мисоллардан тупроқ гельментлар, шу жумладан эхинококк қўзғатувчилари билан қай даражада ифлосланаётганлигини ўз-ўзидан кўриш мумкин.

Эхинококкоз бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хавфли зоантропоноз касаллик бўлиб ҳисобланади ва у барча ўтхўр сутэмизувчиларда ва одам организмида вояга етган эхинококк - *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786), паразитининг пуфаксимон шаклига эга бўлган личинкалари томонидан қўзғатилилади.

Паразит чувалчангларнинг пуфаклари томонидан чақириладиган касалликлар қадим замонларданоқ маълум бўлган. Масалан: Эрамиздан қарийб 5 аср олдин яшаб ўтган Гиппократ (469-370) қорамол ва чўчқа организмида эхинококк пуфакларини топган ва уларнинг ёрилиши натижасида ҳайвонлар ўлади деб ҳисоблаган. Одамларни эса эхинококк пуфакларини қорин бўшлиғига ёрилишидан ўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган. У одамларни эхинококкоздан жароҳатлик йўли билан пуфакларни даволашни тавсия қилган.

Қадимги Юнон олими, Файлесуф Аристотель (384-322 йил эрамиздан олдин) ҳам ўпкалар ва жигарни пуфаклар билан заарланишини кузатган.

Қадимги Рим врачи Гален (130-200 йилларга яқин) ҳайвонларнинг анатомиясини ўрганишда эхинококк пуфакларини жигарда кўп учратган.

Шуни таъкидлаш мумкинки, юкорида номлари қайд этилган тиббиёт ва зоология соҳасининг асосчилари эхинококкнинг тирик организм эканлигини билишмаган, уларнинг таъсарруфига кўра пуфаклар хўжайин организмининг

тўқималаридан, қон ёки лимфа томирларининг кенгайишидан пайдо бўлади деб тушунилган.

Биринчи марта эхинококк пуфакларини тирик организм бўлиши тўғрисида Италиялик табиатшунос олим Франциско Реда 1681 йилда кўрсатиб ўтган, аммо у ўз фикрини тажриба ўтказиш йўллари билан исботлаб беролмаган. Шундан сўнг қарийб 80 йил кейин яъни 1760 йилда рус табиатшунос олими, Петербург академиясининг академиги П.С.Паллас (1741-1810) эхинококк пуфагини паразит табиатли эканлигини аниқлади.

1786 йил Батч эхинококкнинг пуфакли ва лентасимон шаклларини бир цестоднинг турли тараққиёт босқичлари деб ҳисоблаб, у цестод турини *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) деб фанга киритди.

Немис табиатшунос олими, гельминтларнинг морфологиясини ва систематикасининг асосчиси К.А.Рудольф (1776-1832) 1808 йили итларнинг ингичка ичагида эхинококкнинг вояга етган шаклини топган.

Экспериментал йўл билан эхинококкнинг тараққиётини илк бор ўрганган немис зоолог олими К.Т.Зибольд (1804-1885) 1853 йилда ушбу паразитнинг биологиясига нуқта қўйди. У 12 бош ёш итларни ва бир бош тулкини сунъий йўл билан эхинококк пуфакларини едиртириб, 5 та итнинг ингичка ичагида вояга етган эхинококкни топишга муяссар бўлди. Ушбу паразитларни у *Taenia echinococcus* деб атади ва уларни жуда майда уч бўғимли эканлигини аниқлади.

Кейинчалик эхинококкнинг ривожланишига қаратилган бундай тадқиқотлар 1858 йилда Бельгиялик зоолог Пьер Жозеф ванн Бенедеп (1809-1894), 1862 йилда немис зоолог олими Рудольф Лейкарт, 1860 йилда рус олими Э.Островский ва бошқалар томонидан ўтказилди.

К.Т.Зибольдинг кўрсатишича эхинококкни ит организмида вояга етиши учун 7-10 ҳафта талаб қилинади, вояга етган цестод эса атиги икки ой яшайди. А.Ф.Носик (1953) нинг тадқиқотларига кўра эхинококк ит ичагида 25 кун ичida икки бўғимли, 35 кунда уч бўғимли, 60 кундан сўнг унинг учинчи бўғимида 200-300 дона тухум етилиши, 64-97 кунлар орасида етилган бўғимларнинг ташқарига ажralиб тушиши кузатилган.

Ўзбекистон худудида итларда эхинококкнинг вояга етган шакли илк бор итларнинг ингичка ичагида рус саёҳатчи табиатшунос олими А.Т.Фредченко (1844-1873) томонидан 1864-1897 йилларда топилган. 1953-1956 йилларда И.Х.Эргашев вояга етган *Echinococcus granulosus* ни Самарқанд вилоятининг 11,4 фоиз итларда, В.М.Садыков (1962) 8,1 фоиз итларда, Н.М.Матчанов (1962) Немис массивида 19,2 итларда, П.Муминов (1962) 2,04 фоиз тулкиларда топилган. В.С.Ершов (1933) Ўзбекистоннинг жанубий вилоятидаги Косон қоракўлчилик хўжалигининг 70 бош қўйларини гельминтологик йўл билан ёриб текширганда уларни 40,0% эхинококкнинг пуфаксимон личинкалари билан зааррланганлиги аниқлаган.

Эхинококкнинг Самарқанд вилоятидаги қўйларда кенг тарқалганлигини Н.В.Баданин (1949) ҳам кўрсатиб ўтган. И.Х.Иргашев (1952-1953) Тошкент вилоятида, Андижон вилоятида 57,6 %, Наманган

вилоятида 68,1% ташкил қилган. Қорамоллар орасида эса эхинококкоз Бухоро вилоятида 17,4 %, Қашқадарё вилоятида 2,1%, Фарғона вилоятида 11,6%, Андижон вилоятида 3,3%, Наманган вилоятида 29,2% учраганлиги қайд этилган.

И.Х.Иргашев 1953-1962 йиллар давомида Самарқанд гўшт комбинатида сўйилган қўйларни унинг суғориладиган зонасида 21,6%, чўл яйлов зонасида 30,7% эхинококклар билан заарланганлиги аниқланган. Шу билан бирга муаллиф қорақўл қўйларини жайдари думбали қўйларга нисбатан 3 марта ортиқ эхинококкозга учраганлигини кўрсатган.

Шунингдек И.Х.Иргашев урғочи ҳайвонларни эркакларига нисбатан 4-5 марта эхинококкозга кўпроқ чалиниши аниқланган. Масалан: у урғочи қўйларнинг 46,6%, эркак қўйларнинг 10,6 %, урғочи қорамолларнинг 14,5%, эркак қорамолларнинг 3,2%, эхинококкозга чалинишини кўрсатиб ўтган.

Н.М.Матчанов, А.Г.Салиева ва В.М.Садыковларнинг (1977) маълумотларига кўра, 1959-1963 йиллар давомида Самарқанд гўшт корхонасида текширилган 2543 бош қорамолларнинг 287 бошини ёки 17,28% эхинакоккозга чалинганлиги, 385 бош қўйларнинг эхинококкоздан ўлганлигини, Фарғона вилоятида эса ҳар йили ушбу касалликдан ўртacha 400 бош қўйларнинг нобуд бўлганлигини, Сурхондарё вилоятида эса 10000 бош қўй эхинококкоздан нобуд бўлганлиги қайд этилган.

Зарафшон воҳасидаги хўжаликларда эхинококкоз тарқалиши жиҳатидан Ўзбекистонда иккинчи ўринда турган. 1950-1953 йилларда ушбу худудда ҳар йили 2000 дан 4500 бошгача қўйларнинг эхинококкоздан нобуд бўлганлиги кузатилган.

Хоразм вилоятида 1954 йилгача ҳар йили 50 бош атрофида қўйларнинг эхинококкоздан нобуд бўлиши аниқланган. Ушбу вилоятда бошқа вилоятларга нисбатан эхинококкоз кам даражада тарқалганлиги изоҳланган.

Гўшт корхоналарида 1959-1963 йиллар давомида сўйилган 94422 бош турли турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан муаллиф В.М.Содиков Тошкент вилоятида қўйларнинг 22,3%, қорамолларнинг 14,7%, чўчқаларнинг 3,8%, эчкиларнинг 1,5 %, Самарқанд вилоятида қўйларнинг 31,6%, қорамолларнинг 15,6%, чўчқаларнинг 5%, эчкиларнинг 0,5%, отларнинг 0,84%, туяларнинг 18,6% эхинококкозга чалинганлиги аниқланган. Эхинококкознинг қўйлар орасида учраши Бухоро вилоятида 43,6 фоизни, Қашқадарё вилоятида 56,4 фоизни, Фарғона вилоятида 46,15%ни, шу хисобдан енгил даражада - 82(3,22%), ўрта 56 (2,2%), оғир - 42 (1,65%) ва ўта оғир даражада 107 (4,21 %) бошини эхинококклар билан заарланганлиги аниқлаган. 1964-1968 йиллар давомида эса - 1150 бош йирик шохли ҳайвонлардан 61 бошида ёки 5,3 фоизида эхинококкоз топилган. Шу жумладан енгил даражада – 51 бош (4,43%), ўрта даражада – 4 бош (0,35%), оғир 3 бош (0,09%), ўта оғир даражада 2 бош (0,17%) ҳайвонлар заарланган. Шунингдек, итлар вояга етган эхинококк билан 4,7% дан 28,5 фоизгача заарланган, уларда 12 тадан 431 нусхагача паразит учрашини кўрсатилган.

Р.С.Норматов, А.С.Айтуганов (2003) 1996-2000 йилларда Ғарбий Қозоғистон вилоятида ўртача 40,4% қорамоллар, 46,0% қўйлар ва 6% чўчқалар эхинококк билан заарланганлигини аниқлашган. Эхинококкознинг тарқалишида *Echinococcus granulosus*нинг қўй штаммини катта роль ўйнаши кўрсатилган.

Ш.М.Аминжонов (2004, 2006, 2007, 2008) Самарқанд вилоятининг чўл-яйлов зонасида Нуробод тумани қўйчилик хўжаликларида («Улус» ва «Олға») 28,0-28,8% итлар эхинококкозга чалинганлиги аниқлаган. Қорақалпоғистон Республикасини чўл-яйлов зонасида «Устюрт», «Қорақалпоғистон 40 йиллиги», «Қилизқалъя», «Мулк» ва «Жаладарё» каби қўйчилик хўжаликларида ишларни 8,0-11,1%. Самарқанд вилояти Нуробод туманинг тоғолди-тоғ биоценозида («Саҳоба-ота», «Ўзбекистон» ва «Каттақўрғон» хўжаликлари худудида) ва Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманидаги «Дўлчин» ширкат хўжалигига ўртача 26,28% итларнинг ушбу гельминтозга чалинганлиги кузатилган. М.А.Аминжонов (2004) эхинококкознинг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва итлар орасида йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатиб ўтади. Масалан 1990 йилда эхинококкоз қорамолларда 24,3%, қўйларда 45,1%, эчкиларда 8,0%, туяларда 25,4%, эшакларда 32,3%, итларда 15% учраган бўлса, ушбу касаллик 2003 йилга келиб қорамолларда 46,2 %, қўйларда 65%, эчкиларда 12%, туяларда 35,0%, эшакларда 38,2%, итларда 24,3 фоизни ташкил қилган.

К.Х.Ўроқов, Б.С.Салимов (2011) 2009-2010 йилларда Самарқанд вилоятининг суғориладиган биоценозларида 79 бош ўлган ва сўйилган қорамолларнинг 27 бошини ёки 34,2 фоизининг эхинококкозга чалинганлигини аниқлашган. Ҳар бир қорамолнинг жигарида 12 нусхадан 42 нусхагача эхинококк пуфаклари топилган. Эхинококк пуфакларининг ҳажми ёнғоқ ҳажмидан товуқ тухумидек ва ундан ҳам йирикроқ бўлган.

Эхинококкоз касаллиги келтирадиган иқтисодий зарар:

К.И.Скрябин ва Р.С.Шульс (1937) Эхинококкознинг чорвачиликдаги ўрни ҳақида таъкидлаб, шу касаллик туфайли барча ҳайвонларни хўжалик қиймати пасайиши ҳайвонларни инфекцияга сезувчанлигини оширади; барча касалликларнинг ўтишини қийинлаштиради; ўлим даражасини оширади. Бизнинг мамлакатимизда «йил бўйи эхинококк пуфакларини зарасизлантириш туфайли минглаб тонна маҳсулотга зиён келтирилади». П.П.Вибе маълумотига кўра (1958, 1960). Ўртacha бир бош қорамоллар (й.ш.х) маҳсулдорлигини пасайиши, табиий шароитда эхинококкоз билан заарланган ҳолатда Ўзбекистоннинг турли эколого-географик зоналарида қўйларнинг 5,8 фоиздан 58,5 фоизгача, эчкиларнинг 27,0%, қорамолларнинг 14,2-35,4 фоизга, туяларнинг 19,1%, отларнинг 12,5%, чўчқаларнинг 2,2-17,3 фоизга, қуёнларнинг 21,7% эхинококкозга чалинганлигини ёзишган.

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, эндемик туманларда бўлмаган, йирик шаҳарларда истиқомат қилувчи ва ҳайвонлар билан яқиндан мулоқатда бўлмаган, паразит билан зарарланиш учун яққол мавжуд бўлган сабабга эга бўлмаган, кам сондаги

беморлар барибир ушбу касалликка чалингандыктың қайды этилди. Бундан шундай холоса қилиш мүмкінкі, хавф омилларини бартараф этиш ҳам гельминтлар инвазиясига учрамасликни таъминламайды, заарланиш эхтимоллиги сезиларлы даражада пасаяди.

Ушбу маълумотлар таҳлилида эхинококкоз касаллигидан сақланиш учун итларнинг ролини ва аҳолининг уй ҳайвонларини сақлашдаги сонини ҳисобга олиш ниҳоятда зуурдир. Уй шароитида итларнинг мавжудлиги паразит билан мулоқат эхтимоллигини ниҳоятда оширади.

Илмий адабиётлар таҳлили шуны кўрсатадики, паразитар касалликларга нисбатан иммунитетнинг нисбийлик таълимоти хукум суриб турган бир пайтда XX асрнинг 90 йилларида профессор М.Аминжонов томонидан ҳайвонларнинг эхинококкозига қарши вакцина яратилган. Лекин, шунга қарамасдан Ўзбекистоннинг ўзига хос биоценозлари шароитида эхинококкоз касаллигининг қўзғатувчиси итлар организмида, унинг ларвоцистларининг эса қўйлар ва бошқа сут эмизувчилар организмида ривожланиши, касаллик эпизоотологиясида абиотик экологик ҳамда антропоген омилларнинг ўрнини аниқлаш, шунингдек ҳайвонларда эхинококкоз касаллигининг эрта ташхис, гижжасизлантириш ҳамда иммунопрофилактикага асосланган қарши кураш усусларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бағишлиланган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Эпидемиологияси. Эхинококкоз касаллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда эхинококкоз билан 1 миллиондан ортиқ киши заарланган. Сўнгги ўн йилликларда эхинококкоз билан касалланишнинг ўсиши ва касалликнинг географик чегарасининг кенгайиши кузатилмоқда. Масалан Тунисда эхинококкоз сабабли ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти барча жарроҳлик аралашувларининг 10%ини ташкил этади.

Касалликнинг кенг тарқалгандыкни сабабли 1951 йилдан бошлаб, эхинококкоз масалалари бўйича халқаро конгресслар ташкил этилди (Уругвай). Муаммонинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда ЖССТнинг 2001 йилда ўтказилган 54 сессиясида таъкидландиди, гижжа инвазиялари билан касалланиш ОИТС ва хавфли ўсма касалликларидан сўнг учинчи ўринни эгаллади.

Ҳатто санитария-эпидемиологик жиҳатдан хотиржам бўлган мамлакатларда ҳам эхинококкоз жиддий муаммо туғдириши мүмкін. Масалан, АҚШда ҳар йили 100га яқин янги эхинококкоз ҳолатлари қайд этилади; 60% касаллик ҳолатлари иммигрантларда қайд этилади. Шунга ўхшашибазия Германия, Швейцария, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам кузатилмоқда.

Эхинококкоз айниқса қўйчилик билан шуғулланувчи қишлоқ минтақаларида кўп учрайди, у ерда итлар қўй ва эчкилар хом органларини истеъмол қилиши асосий сабаб бўлади. Ит гўшти одамлар овқатида ишлатилувчи минтақаларда ушбу касаллик жуда кенг тарқалган (масалан Кениянинг баъзи бир минтақаларида).

Паразитнинг атроф - муҳит омилларида узоқ вақт сақланиши учун энг қулий шароит тез-тез ёғингарчилик кузатиладиган ўртacha баландликдаги тоғлик, мўтадил иқлимли минтақалар ҳисобланади. Шунингдек касалликнинг максимал тарқалиши асосан ўртacha ҳарорат $10-20^{\circ}\text{C}$ бўлган туманларда кузатилади. Ҳарорат 20°C дан юқори бўлганда касалланганлар сони кам бўлади ва бунда асосан эхинококкознинг ўпкада жойлашиши кўп учрайди. Иссик иқлимли ва қуёш радиацияси юқори бўлган минтақаларда маҳаллий аҳоли ҳамда ҳайвонлар ўртасида эхинококкоз жуда кам учрайди. Шимолий ва экваториал мамлакатларда эхинококкоз-спорадик касалликдир.

Эндемик туманларда аҳолининг кистозли эхинококкоз билан касалланиш кўрсаткичи йилига 100 минг аҳолида 50 нафардан ортиқ бўлиши мумкин, Аргентинанинг баъзи ҳудудлари, Перу, Шарқий Африка, Марказий Осиё ва Хитойда эхинококкознинг тарқалиши 5-10%га етиши мумкин. Жанубий Американинг гиперэндемик районларида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари қушхоналаридаги ҳайвонлар ўртасида аниқланган кистозли эхинококкознинг тарқалиш кўрсаткичи 95%га етади.

E.granulosus билан касалланишни ҳисобга олишдаги жиддий хатоликларга қарамасдан аниқландики, эхинококкоз барча қитъаларда, дунёning 100 дан ортиқ мамлакатларида учрайди. Касалликнинг энг юқори даражада тарқалиши Евроосиёда (Ўрта ер денгизи минтақасида, Россияда, бир қатор МДХ давлатларида, Хитойда), Африкада (шимолий ва шарқий минтақаларида энг кўп кузатилади), Австралия ва Жанубий Америкада учрайди. Европанинг бир қатор давлатларида 100 минг аҳолига йилига 1 дан 8 ҳолатгача эхинококкоз касаллиги қайд этилади. Хитойда эхинококкоз аҳоли саломатлигининг етакчи муаммоларидан бири ҳисобланади: 1990 йилда Синцзян минтақасида йиллик ўртacha касалланиш 100 минг аҳолига 42 нафарни ташкил этади (мамлакат бўйича ўртacha кўрсаткич 100 минг аҳолига 8,7); Сичуан провинциясида аҳоли ўртасида эхинококкознинг ўртacha тарқалиши 1997-1998 йилларда 2,1%ни ташкил этди. Африкада касалликнинг юқори даражада тарқалиши кузатилиб, у 3%ни ташкил этган.

Ҳозирги кунда эхинококкоз фақат Исландия ва Греландияда қайд этилмаган. Спорадик ҳолатлар Янги Зелландия, Тасмания ва Кипрда аниқланди.

Касаллик тарқалишининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ минтақаларида кузатилади. Заарланган ҳайвонларнинг аниқ турига боғлиқ ҳолда кистозли эхинококкоз сабабли чорвачилик ишлаб чиқаришдаги зарар, ҳайвон жигарининг яроқсизлиги, ҳайвон гўштининг камайиши, териси қийматининг пасайиши, сут ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳамда ҳайвонлар репродуктив қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлади.



3-Расм. 2002 йилда бутун дунёда *E.granulosus* чақирган эхинококкознинг тарқалиш даражаси (ЖССТ маълумотларига кўра).

*E.multilocularis*ning яшаш мұхити асосан шимолий ярим шарлар худудида күзатилади. Мазкур паразит ҳам ўз ареалини кенгайтирмоқда шимолий ва марқазий Осиёнинг катта қисмида, шарққа томон сурилиб, Японияда ҳам аниқланмоқда. У континентал Европада, Шимолий Америкада, биринчи навбатда Канада ва Аляскада кенг тарқалган.

E. vogeli ва *E. Oligarthrus* штаммлари фақат Марказий ва Жанубий Америкада топилди: *E. Shiquicus* эса фақат Хитойдаги Тибет яssi тоғларида аниқланди холос.

Кенг миқёсда тарқалғанлиги ва чорвачилик ҳамда соғлиқни сақлаш учун катта иқтисодий заарарга эга бўлғанлиги сабабли эхинококкоз дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан Россия ва Ўзбекистон учун жиддий ижтимоий ва иқтисодий муаммони юзага келтиради.

Россияда паразитар касалликлар бўйича эпидемиологик вазият мураккаблигача қолмоқда. Ҳатто 1992 йилда мамлакатда юқумли касалликлар билан боғлиқ бўлган ўлим кўрсаткичи Шимолий Европа мамлакатларига (Швеция, Норвегия, Финляндия) нисбатан 4 марта юқори, аёллар ўртасида эса -1,2 марта юқори натижани кўрсатди. 1992 йилда Россия худудидаги 31 минтақада аҳоли ўртасида эхинококкознинг 164 ҳолати қайд этилган (касалланиш 100 минг аҳолига 0,11 нафарни ташкил этди). Россия бўйича касалланишнинг ўртачадан юқори бўлган кўрсаткичлари Архангельск (0,25), Астрахан (0,89), Оренбург (1,32), Перм (0,93) областларида, Саха Республикасида (Ёкутистон) (2,2) ва Олтой (0,5) ўлкасида қайд этилди.

Иммунологик тадқиқотлар натижаларини эхинококкоз қайд этилган касалланиш кўрсаткичлари билан қиёслаш асосида шу нарса аниқландиди, қайд этилган касалланишнинг тўғриловчи коэффициенти тахминан 3 га teng бўлади. Мазкур ҳолатда Россия бўйича ҳақиқатан ҳам эхинококкоз билан касал бўлганлар сони тахминан 500 кишини ташкил этади. Касалликнинг кечишини, узоқ давом этишини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, Россиядаги эхинококкоз билан оғриган bemorларнинг умумий сони 25 минг кишига етади.

Сўнгги йилларда Россия Федерациясида аҳолининг эхинококкоз билан касалланишининг ортиш тенденцияси қайд этилди: ҳар йили эхинококкоз билан оғришнинг 500 дан ортиқ ҳолати қайд этилади. Россия ҳудудида 2012 йилда аҳолининг эхинококкоз билан касалланиши 2011 йилга нисбатан 7,9%га ортди.

Россия аҳолисининг эхинококкоз билан касалланиш даражасининг кўп йиллик таҳлили қуидаги субъектларда ўртача россия кўрсаткичидан юқори бўлишини аниқлади: Ханта-Мансий-Югра муҳтор округида-1,6 марта, Чукоткада-4,8 марта, Ямало-Ненецда-7,3 марта, Олтой ўлкасида-1,6 марта, Пермда-1,1 марта, Ставрополда-1,8 марта, Олтой ўлкасида-3,5 марта, Бошқирдистонда-3,6 марта, Доғистонда-1,8 марта, Қабардин-Балқарда-2,0 марта, Қалмиқияда-2,5 марта, Карабаево-Черкесда-9,7 марта, Саха Республикасида (Ёкутистон)-2,8 марта, Астрахан вилоятида-4,1 марта, Киров обlastida-1,1 марта, Кўрғонда-2,4 марта, Оренбургда-6,9 марта, Саратовда-4,5 марта.

Эхинококкоз Ўзбекистон учун ҳам жиддий тиббий муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳар йили республика бўйича бир мингдан бир ярим минггacha эхинококкоз касаллиги билан боғлиқ жарроҳлик амалиётлари ўтказилади (Ш.И.Каримов, 1994), уларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Эхинококкоз касаллигининг тарқалиши нафақат чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида, балки шаҳар аҳолиси ўртасида ҳам юзага келмоқда: чорвадорлар, чўпонлар, овчилар билан бир қаторда ит бокувчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳайвонлар билан бевосита мулоқотда бўлмаган аҳоли ҳам касалланмоқда. Москва ва Москва обlastларида эхинококкоз билан касалланишнинг ортишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади: аҳолининг ўсиб борувчи миграцияси, ижтимоий яшаш шароитининг ёмонлашуви, эндемик ўчоқлардан заарланган озиқ овқат маҳсулотларининг олиб келиниши, шу билан бир вақтда санитария-эпидемиологик назорат даражасининг пасайиши ҳисобланади.

Эхинококкоз билан касалланишда аҳолининг санитария-маданияти билан боғлиқлиги ҳам кузатилади. Эхинококкоз билан чорвачилик юқори даражада ривожланган ва ижтимоий-иқтисодий даражаси паст бўлган минтақа аҳолиси кўпроқ касалланади. Гуруҳли касалланишлар, жумладан оиласиий касалланиш ҳолатлари ҳам маълум. Хўжаликдаги фаолияти характерига боғлиқ ҳолда касалланганлар орасида эркаклар кўпчиликни ташкил этиши мумкин. Ҳайвонлар орасида кистозли эхинококкоз устидан

эпидемиологик назорат олиб бориш мураккаб, сабаби уй ҳайвонлари ва итларда инфекция белгиларсиз кечади. Бундан ташқари, ветеринария хизмати эпидемиологик назоратнинг қанчалик мухимлигини доим ҳам тушунмайди ва унга сезиларли эътибор қаратмайди.

Эхинококкоз билан касалланиш даражаси билан аҳолининг шу касаллик тўғрисидаги билим даражаси ўртасида яққол тўғри бўлган алоқа мавжуд. Санитария оқартув ишларининг қанчалик мухим эканлигини Корея, Хитой ва Монголия давлатлари мисолида кўриш мумкин.

Эхинококкоз бўйича эпидемиологик вазиятни яхшилашда асосий ролни кенг қамровли профилактик чора-тадбирлар эгаллайди. Кўпгина давлатларда қорамол ва итларни дегельминтизация қилишга асосланган профилактик дастурлар қабул қилинган, бу эса шубҳасиз ижобий силжишларга олиб келади. Масалан, 1918 йилда аҳолисининг эхинококкоз билан касалланиши бўйича Исландия давлати дунёда биринчи ўринни эгаллаган эди. Ўтказилган комплекс чора тадбирлар натижасида эса 1953 йилга келиб, эхинококкоз касаллиги бу давлатда мутлақо бартараф этилди.

Эхинококкоз касаллиги билан курашишда келажаги бор бўлган профилактик чора тадбирлардан бири қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонларини *E.granulosus* (EG 95) рекомбинат антигени билан эмлаш ҳисобланади. Унча кенг бўлмаган масштабда, қўйлар орасида EG 95 билан ўтказилган тажриба вакцинацияси *E.granulosus* билан заарланишда унинг юқори самарадорлигини ва ҳавфсизлигини намойиш этди. Итларнинг дегельминтизацияси, ҳайвонларни ажратиб қўйиш ва уларни эмлаш дастури биргаликда қисқа вақт давомида одамлар орасида кистозли эхинококкознинг бартараф этилишига олиб келиши мумкин.

Кистозли эхинококкозни йўқотиш мумкин. Итларни даврий дегельминтизация қилиш, қушхоналардаги гигиеник шароитнинг яхшиланиши, жамоа ўртасида зарурӣ санитария маориф ишлари эхинококкоз билан касалланишнинг камайишига олиб келади.

Эхинококкоз ҳар қандай ёшда эрта болалиқдан, кексалик давригача ҳам учраши мумкин. O. Iyigun ва ҳаммуаллифлар (2004) икки ёшли ўғил боланинг бош мияси, жигари ва ўпкасида кўп сонли эхинококкоз билан заарланишидаги клиник кузатувларни баён этганлар. L. Morato (1998) 3,5 ёшли болада эхинококкозни кузатганлар. Аммо барибир ушбу касаллик билан ёши 20-40 ёшда бўлган аҳолининг ўрта ёшли вакиллари касалланадилар (барча ҳолатларнинг $\frac{3}{4}$ қисми).

Эндемик туманларда гельминт билан заарланиш йўлларининг турғун бўлган тасаввурлари шундан гувоҳлик берадики, бу касаллик билан эркакларга нисбатан аёллар кўпроқ касалланадилар, бунинг сабаби аёлларнинг овқат тайёрлаши ва уй-рўзгор ишлари билан кўпроқ банд бўлишидир. Бошқа муаллифлар эхинококкоз билан заарланишга нисбатан бир ёки бошқа жинснинг устиворлиги мавжуд эмас деган фикри ҳам олға сурадилар (J. Heyat et. Al., 1971; D. Tiseo et. Al., 2004). Аммо шунга қарамасдан якуний маълумотларга кўра, эркакларда касалланиш кўпроқ

кузатилади. Э.С.Исламбеков ва ҳаммуаллифлар (2002) таъкидлашича ўпка эхинококкоз билан оғриган 890 нафар беморнинг 56%ини эркаклар ва 44%ини аёллар ташкил этган.

Демографик кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар “оилавий” эхинококкоз ҳолатини аниқлаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, яқин қариндош бўлган тўрт жуфтлик ва уч кишидан иборат бўлган бир оила бизнинг кузатувларимиз остида бўлди. Кузатувлар сони кам бўлишига қарамасдан ушбу когортлар таҳлили барча кузатувларда жигар кистаси мавжудлигини намойиш этди; 11 бемордан 9 нафарида биргаликдаги ва кўп сонли заарланишлар аниқланди. Жинс, ёш, паразитар кистанинг жойлашган ўрни, шунингдек, касалликнинг кечиш оғирлиги ва асоратлар характеристири йўтасида ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлашнинг имкони бўлмади.

Дикқатни қаратишга арзигулик иккинчи ўзига хослик-беморларнинг истиқомат қилиш жойи бўлиб ҳисобланади.

Эхинококкоз тарқалиши кўп жиҳатдан географик зоналар иқлимига, санитария хизматини ташкил этилганлиги ва аҳоли маданиятига боғлиқ. Эхинококкоз ўз ҳудудининг йиллик ҳарорати 10-20⁰С доирасида ўзгариб турганда, аҳоли орасида максимал тарқалиш даражага эга бўлади. Эхинококкоз тарқалишининг асосий шарти мамлакат ва минтақанинг иқтисодий шароитига боғлиқдир. Эхинококкоз саноат зоналарида ўзаро инвазия содир бўладиган доимий ташувчилар йўқлиги туфайли кенг тарқалган эмас. Шу билан бирга эхинококк ривожланган қорамолчилик ва аҳолининг санитария маданияти паст бўлган мамлакатлар ва жойларда кўпроқ тарқалган.

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, эндемик туманларда бўлмаган, йирик шаҳарларда истиқомат қилувчи ва ҳайвонлар билан яқиндан мулоқатда бўлмаган, паразит билан заарланиш учун яққол мавжуд бўлган сабабга эга бўлмаган, кам сондаги bemorлар барибир ушбу касалликка чалингандиги қайд этилди. Бундан шундай билвосита хulosса қилиш мумкинки, хавф омилларини бартараф этиш хам гельминтлар инвазиясига учрамасликни таъминламайди.

Ушбу маълумотлар таҳлилида эхинококкоз касаллигининг сақланиш даражасида итларнинг ролини ва пойтахт аҳолисини уй ҳайвонларини сақлашдаги сезиларли сонини ҳисобга олиш ниҳоятда зурурдир. Уй шароитида итларнинг мавжудлиги паразит билан мулоқат эҳтимоллигини ниҳоятда оширади. Шундайми ёки йўқми афсус билан шуни айтиш мумкинки, эхинококкоз географияси йилдан йилга кенгайиб бормоқда.


Ўзбекистон Республикасида эхинококкознинг тарқалганлиги: Расмий маълумотларга биноан, 2006 йилда республикада 7649651 нафар киши гельминтозларга текширилган бўлиб, шулардан 264807 нафари (3,5%) гельминтозлар билан заарланганлиги аниқланган. Гельминтозлар орасида эхинококкоз билан касалланганлар 5,7% ни ташкил этган. Эхинококкоз касаллигининг оғир шакллари 25-40% га етади. Эхинококкоз касаллигидан

кўзғатувчи 85% жигар ва ўпкани, камроқ ҳолларда бошқа органларни зарарлайди. Эхинококкоз касаллигида ўлим кўрсаткичи 2-5% ни, операциядан кейинги асоратлар 20-30% ни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда эхинококкозга қарши ўтказилаётган чора-тадбирлар маълум даражада ўз самарадорлигини намоён этаётган бўлса ҳам уни етарли даражада деб бўлмайди. Бундай ҳолатни республикамиз аҳолиси орасида касалликнинг йилдан йилга турғун ҳолатда қайд этиб турилганлиги, унинг аксарият ҳолларда сурункали тус олиши ва нохуш асоратларга, ногиронликка олиб келаётганлиги яққол кўрсатиб турибди.

Касалликнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш учун эпидемиологик таҳлил усуллари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида 1994-2019 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллигининг таҳлили шуни кўрсатадики, касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига, ҳар хил йилларда 2,3 - 6,01 бўлганлиги аникланди (4-расм).




4-Расм. Ўзбекистон Республикасида эхинококкоз касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи (1994-2019 йиллар 100 минг аҳолига нисбатан)

Таҳлилнинг дастлабки йили - 1994 йилда республикамизда эхинококкоз билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи – 3,17 ташкил қилган ва таҳлил этилаётган йиллар мобайнида энг юқори кўрсаткич 2004 йилда кузатилган бўлиб, у 6,01 га teng бўлган. 2007 йилдан бошлаб касалланиш кўрсаткичида пасайиш тенденцияси кузатилган. 2019 йилга келиб интенсив кўрсаткич 2,3 ни ташкил қилган, бу 2004 йилга нисбатан касалланишнинг 2,5 мартага камайганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва шаҳарларида эхинококкоз билан касалланишнинг 2003 ва 2017 йилларда худудлар бўйича солиштирма

таҳлилида қўйидагилар аниқланган. Энг юқори кўрсаткичлар Хоразм ва Бухоро вилоятларида кузатилган бўлиб, бу худудлардаги касалланиш кўрсаткичи жами республикамиздаги кўрсаткичилардан икки баробар юқорилигини кўрсатади. Қашқадарё, Жиззах, Навоий ва Фарғона вилоятларида касалланишнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари аниқланган. Андижон, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида касалланиш камроқ қайд қилинган (5-расм).



5-Расм. Эхинококкознинг Республикализ вилоятлари бўйича 2015 ва 2019 йилларда тарқалганлиги (100 минг аҳолига нисбатан)

Эхинококкоз кўпроқ, уй ҳайвонлари билан мулоқатда бўлувчиларга, шу жумладан чўпонларга, сут соғувчиларга, мол бокувчиларга, фермерларга, ит бокувчиларга кўпроқ юқсанлиги аниқланди. Мактаб ёшидаги ўғил болалар орасида касаллик кўпроқ қайд қилинган. Бунинг сабаби улар кўпинча катталар билан мол, қўй бокишида ва уларни парвариш қилишда, итлар билан мулоқатда бўлиши билан боғлиқ. 7 ёшдан 15 ёшгacha бўлганлар орасида серологик ва иммунологик текширув натижалари ҳам уларнинг қонида эхинококк антителолари титри бирмунча юқорилиги аниқланди.

Касалликни юқтириш манбаларини аниқлаш учун беморларнинг эпидемиологик текшириш карталарини таҳлил қилганимизда энг кўп итлардан (53,85%), кўкатлардан (15,38%) юқсанлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал**Эхинококкоз касаллигини юқтириш манбалари ва омиллари**

Т-р	Юқиши йўллари	%
1.	Итлардан	53,85
2.	Шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик	11,55
3.	Йирик шохли қора моллардан	7,69
4.	Кўкатлардан	15,38
5.	Мушуклардан	1,92
6.	Аниқланмаган	9,61
	Жами	100%

Эхинококкоз касаллигининг профилактикаси: Кишилар эхинококкоз билан касалланмасликлари учун, бу касалликка қарши тадбирлар икки йўналишда олиб борилиши лозим. Биринчи навбатда заарланиш манбани тугатиш керак. Бунинг учун эхинококк гижжаларининг қорамоллар орасида тарқалишига қарши кураш олиб бориш лозим. Бу касаллик қорамолларни ҳалокатга олиб келади, кўп ҳолларда уларнинг маҳсулдорлиги камаяди ва бошқа касалликларга нисбатан қаршилик кўрсатиш кучини пасайтиради.

Итларни заарсизлантириш учун дегельминизация ўтказилади. Чорвачилик районларида эхинококкозга қарши курашишда чўпонлар катта роль ўйнаши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун ҳам улар юқорида айтиб ўтилган касаллик билан заарланиш йўллари ва унинг тарқалишига қарши кураш тадбирлари билан таниш бўлишлари катта аҳамиятга эга. Чўпонлардан ташқари буларни барча қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам билишлари керак.

Эхинококкоз билан кўпинча қишлоқ аҳолиси ёки итлар билан мулоқотда бўладиган шахслар заарланадилар.

Ўлдирилган моллардан ажralиб чиқадиган эхинококк пуфакчалари ит ва мушукларнинг заарланиш манбай эканлигини ҳеч вақт унутмаслик лозим. Демак, эхинококк билан заарланган молларни сўйгандан ва уларни нимталаганда чиқадиган барча чиқиндилар йўқотилиши керак. Бундай чиқиндилар билан итларни боқиши қатъий ман этилади.

Заарланишдан сақланиш учун, албатта шахсий профилактика тадбирларига риоя қилиш керак. Буларга уй ҳайвонларига эҳтиётлик билан қараш киради, чунки уларнинг юнгидаги гижжа тухуми бўлиши мумкин. Ҳайвонларни ҳар бир парвариш қилгандан сўнг қўлни яхшилаб совун билан ювиш керак.

Шуни эсда тутиш керакки, болалар доимо қўлларини ва ҳар хил буюмларни оғизларига солади, булар гижжа тухумлари билан ифлосланган бўлиши мумкин. Бундан болаларни гигиеник парвариш қилиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниш лозим. Кўпинча кишилар қўл орқали заарланишлари сабабли, қўл бериб кўришмаслик мақсадга мувофиқ.

Ҳаётда учрайдиган ҳар бир ҳодиса учун алоҳида маслаҳат бериш қийин, албатта, аммо айтиб ўтилганлардан шу нарса равшанки, шахсий гигиена эхинококкоз касаллиги билан курашда муҳим аҳамиятга эга.

Итларни эхинококк билан заарланишдан сақлаш учун, молларни сўйиш жойларида ветеринария ва санитария назорати яхши йўлга қўйилган бўлиши керак.

Эхинококкоз билан курашишда касал ҳайвонларни эрта аниқлаш ва уларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Эхинококк билан заарланиш даражаси ва касалланишнинг оғирлиги профилактиканинг маҳсус чораларини кўришни талаб қиласди. Уларга куйидагилар киради:

-дайди итларни йўқ қилиш;

-итларни даволаш ва эмбриофор ажralадиган вақтда алоҳидалаб қўйиш керак;

-ўлган ҳайвонларни кўмиб ташлаш;

-шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш.

Тоғ чўпонлари одатда кичик ва ўрта баландликда қўйларни боқади, у ерда қулай ҳарорат ва юқори намлик бўлиб эхинококк онкосфераси кўп йилларгача сақланиб қиласди. Нокулай эпидемиологик омил тоғли туманларда яшовчи аҳоли ва тоғ чўпонлари булоқ сувини ишлатиши одат тусига кирган, онкосфера бу ерга кўп миқдорда тушади. Шундай қилиб тоғ чўпонлари хавф гуруҳига киради.

Эндемик ўчоқларда аҳолини оммавий тиббий кўриқдан ўтказиш касалликни эрта аниқлашга имкон беради. Ҳайвонларнинг заарланиши ҳақидаги маълумотлар, даволаш профилактика муассасалардаги маълумотлар бўйича ва ҳудуддаги тиббий ёрдамни ташкил этиш даражаси ишлаб чиқилади, шунингдек самарали чора-тадбирлар ва тиббий ёрдамни ташкил қилиш яхшиланишига йўл очилади.

Шундай қилиб, эхинококкоз билан заарланган аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ташкил қилиш, оғир асоратлар келиб чиқишининг олдини олиш учун эндемик ҳудудлардаги аҳоли орасида оммавий тиббий кўриклар ташкил қилиш ва санитария-оқартув ишларини олиб бориш керак. Аҳоли орасида оммавий тиббий кўрикларни юқори малакали тиббиёт ҳодимлари билан ташкил қилиш, автотранспорт ва портатив диагностик асбоб ускуналар ўрнатиш керак.

Эхинококкоз ҳамма ҳудудлар бўйича бир хил тарқалмаган, чорвачилик билан шуғулланадиган туманларда кўпроқ рўйхатга олинади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 90-йилларда бўлиб ўтган ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигининг хусусийлаштирилиши, МДХ

мамлакатларида эхинококкоз бўйича эпизоотик ва эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашишига, шу билан бир қаторда иқтисодий қийинчиликлар, шахсий хўжаликлардаги ҳайвонлар устидан ветеринария - эпидемиология назоратининг сусайиши ҳам сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди.

Ҳайвонлар ва инсонларни биологик ҳимояси бўйича чора-тадбирлар тизимида муҳим босқич бўлиб, зооноз инфекция қўзғатувчиларини ташқи муҳит объектларида тезкор аниқлаш ҳисобланади.

Хозирги пайтда, эпидемиологик назоратнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, санитария-эпидемиологик вазиятни объектив баҳолаш имкониятини берадиган ва унинг фаолияти натижаларини яхшилаш бўйича энг муҳим таркибий қисми бўлиб, лаборатория назорати ҳисобланади.

Эпидемиологик назорат: Эхинококкозга қарши чора-тадбирлар усуllibарини кўзда тутган ҳолда, эпидемиологик назорат қўйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

1. Стандартлаштирилган ҳужжатлар асосида касалланишлар ва ўлим ҳолатлари ҳақида маълумотларни тизимли тўплаш;

2. Ташхисий (диагностик) тадқиқотлар (текширишлар) кўпинча, лаборатория хизматлари фаолияти сўров маълумотлари асосида олиб борилади. Ушбу хизматлар аҳоли орасида айланиб юрган (циркуляция қиласидаги) юқумли касалликлар этиологик (қўзғатувчиларини) омилларини аниқлашда, шунингдек хўжайин популяцияларида тарқалган инфекцион касалликлар қўзғатувчилари устидан мунтазам кузатиш ўтказиб туриш жуда муҳим тадбир ҳисобланади.

3. Одамлар ва ҳайвонлар ўртасида аҳолининг иммунологик ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида, одамлар ва ҳайвонларнинг қон зардбларини ўрганиш ва уларни тўплаш йўли орқали, юқумли касалликларнинг одамлар ва ҳайвонлар орасида тарқалганлиги ҳақида ахборот олиш учун ушбу касаллик билан заарланиш хавфини баҳолаш мақсадида, жорий ва ретроспектив иммунологик тадқиқотларни амалга ошириш.

4. Касаллик қўзғатувчисининг асосий хўжайини бўлган - қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг сони ва тақсимланиши динамикаси ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

5. Тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, эхинококкозга қарши жорий кураш олиб бориш стратегияси ва тактикаси бўйича соғлиқни сақлаш ҳамда ветеринария ташкилотларига тавсиялар бериш, ҳамда миллий ахборот хизмати, БЖССТ ва Ҳалқаро Эпизоотик Бюро билан ҳамкорликда ўзаро ахборот алмашиш учун маълумотлар етказиши;

6. Эпидемиологик назорат усуllibарини мукаммаллаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

Эпидемиологик назоратнинг ушбу бўлими келажакда унинг услубларини ривожлантиришдаги зарурияти билан боғлиқлиги бўйича муҳим ҳисобланади.

Санаб ўтилган элементлардан эпидемиологик ҳолат ва лаборатория тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар энг муҳими ҳисобланади.

Эхинококкознинг олдини олиш ва унга қарши кураш комплекс чора-тадбирлари ичидаги маҳсус воситаларсиз ҳудуд ва хўжаликларда соғлом муҳитни сақлаш, носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш жуда қийин. Қарийб барча мамлакатларда, жумладан республикамизда ҳам йирик шоҳли моллар эхинококкозининг олдини олиш ва у билан курашиш мақсадида моллар текширилиб турилади. Эпизоотик ўчоқ устидан эпидемиологик кузатув олиб борилади, эпизоотик ва эпидемик жараённинг ҳамма звеноларига қарши чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилади. Эпизоотик жараённинг жадаллиги (ҳайвонларнинг заарланиш даражаси, фаоллиги, тарқалган ҳудуди, эпидемик ўчоқ мавжудлигининг давомийлиги, ҳайвонлардаги яширин ташувчанлик даври ва б.к.) одамларнинг касалланиш даражасига тўғридан –тўғри таъсир этади. Эхинококкозда эпидемик жараён, эпизоотияга боғлиқ, яъни ҳайвонларда касаллик учрамаса у одамларда ҳам учрамайди. Бундан ташқари, эпидемик жараённинг кечиши, айланиб юрган қўзғатувчининг турига ҳам боғлиқ. Шунинг учун эхинококкознинг турли ўчоқларида эпизоотик ва эпидемик жараённинг алоҳида хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Эпидемиологик таҳлил ўчоқда маълум вақт оралиғида (ой, ярим йил, йил) ўтказиб турилади ва ретроспектив эпидемиологик таҳлил ўтказилиши керак. Бунинг учун эпидемиологик таҳлилнинг ҳамма элементларидан фойдаланиш зарур: қаерда (жой, ҳудуд), қачон (ой, мавсумийлик), қандай кўринишида (эпизоотик ўчоқда, эпидемик кўтарилишда, эпидемия) ва кимлар (беморлар, жинси, ёши) касалланди ёки эхинококкознинг юқиш хавфи мавжуд.

ЖССТ мутахассисларининг таъкидлашича, ҳар бир юқумли касалликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича тузилган дастурларни тадбик этишида, эпидемиологик назоратни самарали амалга оширмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. В.И.Покровскийнинг (2008) фикрича, эпидемиологик назоратнинг моҳияти, юқумли касалликларнинг профилактикаси ва унга қарши кураш тизимини маълумотлар бўйича алмашинувиdir.

Б.Л.Черкасскийнинг (2001) фикрича, зоонозларнинг эпидемиологик назорати, кўп қиррали бўлиб, касалликни динамик ўрганиш, касалликни фақатгина оператив назорат қилибгина қолмасдан, қўзғатувчининг экологияси, биологияси ва ареалини чуқур текширишдир. Эпидемиологик назоратнинг назарий ва услубий негизи бўлиб, ҳамма тизимнинг кўп омилли характеристи ва эпидемик жараённинг функционал элементи ҳисобланади.

Эхинококкозда эпидемиологик назоратни, бу инфекциянинг патогенетик хусусиятларини, эпизоотик ва эпидемик ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини, айланиб юрувчи қўзғатувчининг турини эътиборга олган ҳолда ҳамда ҳайвонлар ва одамлар ўртасида у ёки бу даражадаги касалликни таъминловчи ижтимоий ва экологик шароитларни эътиборга олган ҳолда олиб бориш зарур. Доимо бажариладиган эпидемиологик назорат натижалари, эхинококкозга қарши рационал, мақсадли чора-тадбирларни

режалаштириш асосини ташкил этади. Бундан ташқари улар эпидемик ва эпизоотик ҳолатлар тенденцияси ўзгаришини аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, барча чорва хўжаликларини профилактик тадбирлар асосида бу касалликдан тўла халос этиш халқ хўжалик аҳамиятидаги долзарб масала бўлиб, у чорвачилик иқтисодиётини мустаҳкамлаш билан бирга, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш учун курашиш ҳамдир.

Билимларини назорат қилиш учун мавзуга оид тест саволлари

1. Эхинококкознинг қўзғатувчиси қайси гурухга киради:

- A) Гельминт
- Б) Бактерия
- С) Хилобактериялар
- Д) Қўзиқоринлар
- Е) Вирус

2. Эхинококкознинг қўзғатувчиси:

- A) Echinoparyphium sisjakowi
- Б) Plagiorchis eutamiatis
- С) Helicobacter pylori
- Д) **Echinococcus granulosus**
- Е) Aprostataandrya macrocephala

3. Эхинококкоз касаллиги юқади:

A) Ифлосланган кўк пиёз ва турли кўкатлардан

- Б) Қовун, тарвуз ва қовоқдан
- С) Яхши пиширилмаган мол гўштидан
- Д) Мева ва сабзавотлардан
- Е) Ҳаводан

4. Эхинококкоз билан касалланишнинг асосий юқиши механизми:

- А) Трансмиссив
- Б) Ҳаво томчи
- C) **Фекал-орал**
- Д) Инструментал
- Е) Урогенитал

5. Эхинококкоз касаллиги нималардан юқади:

- А) Яхшилаб ювилган кўк пиёз ва турли кўкатлардан
- Б) Қовун, тарвуз ва қовоқдан
- С) Яхши пиширилмаган мол гўштидан
- Д) **Касалланган ит, мушук билан мулоқотда бўлганда**
- Е) Хом гўшт истемол қилганда

6. Эхинококкознинг энг кўп учрайдиган асоратлари:

- А) Перфорация
- Б) Кистанинг йиринглаши
- C) **Қўшни органларнинг сикиши**

- Д) Кистанинг буралиши
- Е) Кистадан қон кетиш

7. Эхинококкларнинг етук босқичи қайси асосий хўжайин организмида кечади:

- А) Сигир
- Б) Қўй
- С) Эчки
- Д) От
- Е) Ит**

8. Эхинококкоз учун қандай асорат хос эмас?

- А) Йиринглаш
- Б) Пиелонефрит**
- С) Кистанинг жигар ичида ёрилиши
- Д) Қорин бўшлиғида эхинококк кистасининг ёрилиши
- Е) Қўшни органларнинг сиқилиши

9. Кўпинча эхинококк кистаси қайси органда жойлашади:

- А) Мия
- Б) Ўпка
- С) Юрак
- Д) Жигар**
- Е) Буйрак

10. Эхинококк кистасининг ёрилиш сабаби:

- А) Шикастланиш
- Б) Йўтал
- С) Қорин бўшлиғидаги босимнинг ошиши**
- Д) Юқумли гепатит
- Е) Гектик ҳарорат

11. Жигарнинг эхинококкози учун одатий тактика:

- А) Ултратовуш назорати остида жигар орқали киста пункцияси
- Б) Жарроҳлик даволаш**
- С) Семптоматик даволаш
- Д) Консерватив терапия
- Е) Холецистостомия

12. Эхинококкозни даволашда энг кўп қўлланиладиган дори:

- А) Асетилсалицил кислотаси
- Б) Сулфадиметоксин
- С) Пенициillin
- Д) Метронидазол
- Е) Мебендазол**

13. Эхинококк личинкасининг оралиқ хўжайинларини кўрсатинг:

- А) Одам, маймун, ит
- Б) Ит, чиябўри, бўрсик, тулки
- С) Қорамол, қўй, эчки, одам**
- Д) Сигир, кийик, чиябўри

Е) От, түя, тулки, чүчқа

14. Эхинококк личинкасининг асосий (дефинитив) хўжайинларини кўрсатинг:

А) Одам, маймун, ит

Б) Ит, чиябўри, бўрсиқ, тулки

С) Қорамол, қўй, эчки, одам

Д) Сигир, кийик, чиябўри

Е) От, түя, тулки, чүчқа

15. Эхинококкозни ташхислашда қўйидаги инструментал текшириш усуллари муҳим аҳамиятга эга:

А) Эпидемиологик сўраб суриштириш

Б) Ирригоскопия, органлар рентгенографияси

С) Қонни серологик текширишлар

Д) АЛТ ва АСТ га текширишлар

Е) Компьютер томографияси, ултратовуш текшируви

16. Эхинококкозни ташхислашда қайси лаборатор текшириш усуллари муҳим:

А) Эпидемиологик сўраб суриштириш

Б) Ирригоскопия, органлар рентгенографияси

С) Қонни серологик текширишлар

Д) АЛТ ва АСТ га текширишлар

Е) Компьютер томографияси, ултратовуш текшируви

17. Эхинококк суюқлик таркибида қўйидагилар мавжуд:

А) Витаминалар ва минераллар

Б) Паразит токсинглари ва чиқиндилар

С) Протеинлар ва углеводлар

Д) Липидлар

Е) Суюқ плазма

18. Эхинококкоз профилактикаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

А) Антибиотикларни қабул қилиш

Б) Сулфаниламидаларни қабул қилиш

С) Қишлоқ аҳолисини эмлаш

Д) Уй ҳайвонларини санация қилиш

Е) Микротраумнинг олдини олиш

19. Эхинококкознинг олдини олиш учун:

А) Доимий равишда антибиотиклар

Б) Шахсий гигиенага амал қилиш

С) Қишлоқ аҳолисини эмлаш

Д) Касалланган чорва молларини сўйишиш

Е) Жисмоний терапия

20. Эхинококкоз билан қайта касалланмаслик учун қандай профилактик чора-тадбир ўтказиш мумкин:

А) Рентгенотерапия

Б) Албендазол

С) Кенг спектрли антибиотиклар

Д) Назорат

Е) Аминокапрон кислота

Савол №	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жавоб	А	Д	А	С	Д	С	Е	Б	Д	С
<hr/>										
Савол №	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
Жавоб	Б	Е	С	Б	Е	С	Б	Д	Б	Б

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдиев Т.А. Актуалные проблемы эхинококкоза в Узбекистане. / Т.А Абдиев, Ш.А. Разаков, Д.Б. Саидахмедова, Ф.С. Саипов, Тахтоходжаева// проблемы биологии и медицины.-Самарканд, 2009.-С.127-128.
2. Абдиев Т.А., Сувонқулов У.Т., Коваленко Д.А., Абдиев Ф.Т., Арзиев Х.Ю. Распространенность гельминтозов в Узбекистане// проблемы биологии и медицины.-Самарканд 2014, №3 (79). С. 16-17.
3. Абдиев Ф.Т. Паразитарные болезни в Узбекистане и организация борьбы с ними// Инфекция иммунитет и фармакология.-2005.-№3.-С. 77-78.
4. Авасов Б.А. Объемные образования печени - возможности их инструментальной диагностики // Вестник Кыргызско-Российского Славянского университета. - 2018. - № 11. - С. 20-22.
5. Азиззода З.А., Курбонов К.М., Ризоев В.С. Малоинвазивные оперативные вмешательства при эхинококкозе печени // Вестник Авиценны. - 2019. - №1. – С. 116-121.
6. Аминжанов М. «Эхинококкоз – опасное заболевание». Журнал «Сельское хозяйства Узбекистана» 2003 г., №5, стр. 18-22.
7. Аминжонов Ш.М. Кўйлар эхинококкоз касаллигига қарши вакцинани гематологик текшириш. // Зооветеринария. –Тошкент, 2011.-№8 Б. 17-19. (16.00.00; №4).
8. Аминжонов Ш.М., Довгий Ю., Изучение ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) в организме у промежуточных хозяев. //Вестник житомирского национального аграрного университета, №1 сони 2012 йил. Б. 7-10. Житомир, Украина.
9. Амонов Ш.Ш., Прудков М.И., Кацадзе М.А. Минимально инвазивная интраоперационная диагностика и лечение внутренних желчных свищей у пациентов с эхинококкозом печени // Новости хирургии. - 2019. - № 3. - С. 615-620.
10. Арзиев Х.Ю. Итларни гижжасизлантириш схемалари// Бешинчи халқаро илмий конференция. Ҳайвон ва паррандаларда ўта ҳавфли касалликларнинг тарқалиши ва уларга қарши кураш чоралари. Самарқанд, 2016.-с. 83-86
11. Ахмедов С.М. Резекция печени при эхинококкозе //Анналы хирургической гепатологии. - 2017. - № 2. - С. 49-54.
12. Ибрагимов А.В., Раҳматуллаев А.А. Диагностика эхинококкоза легких у детей “Педиатрия соҳасида ёш олимларнинг ютуқлари” Республика илмий-амалий анжумани Тошкент 2017 йил, 88 бет.
13. Каримов Ш.И. // Проблема эхинококкоза в Узбекистане- достижения и перспективы. Тез.Респ. Конф. Хирургия эхинококкоза. Ургенч, 1994.
14. Каюмов Т.Х., Нурмухамедов Б.М., Шарипов Ю.Ю. // Медицинский журнал Узбекистана.-Ташкент, 2012.-С. 28-29


15. Коваленко Ф.П. и др. «Эхинококкозы – биология возбудителей, эпизоотология, профилактика». Журнал «Ветеринария» 2000. № 4. стр. 46-48.
16. Мусаев Г.Х., Шарипов Р.Х., Фатьянова А.С., Левкин В.В., Ищенко А.И., Зуев В.М. Эхинококкоз и беременность: подходы к тактике лечения // Хирургия. - 2019.- № 5. - С. 38-41
17. Назиров Ф.Г., Ильхамов Ф.А., Атабеков А.С., 2002. Эхинококкоз в Узбекистане: состояние проблемы и пути улучшения результатов лечения. Медицинский журнал Узбекистана. 2002. №2-3, стр.2-5.
18. Онищенко Г.Г. Заболеваемость паразитарными болезнями в Российской Федерации: научное издание // Эпидемиология и инфекционные болезни.-М., 2007.-С. 4-6.
19. Плиева, А.М. Эпизоотический процесс при эхинококкозе сельско хозяйственных животных/А.М. Плиева//Магас., 2006. -С.66-68.
20. Расулов Ш.М. Эхинококкознинг эпизоотологияси ва эпидемиологияси. // Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг бюллетени.- Тошкент.- 2020. №2.-С. 62-66.
21. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С. Ўзбекистонда эхинококкознинг тарқалғанлиги ва унинг профилактикасины таомиллаштириш. // Инфекция, иммунитет и фармакология.-Тошкент.-2019.-№5.-С. 192-198.
22. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С., Миртазаев О.М. Эхинококкоз касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва унинг профилактикаси. // Биология ва тиббиёт муаммолари.-Самарқанд.-2018.№4,2 (106).- Б. 92-95.
23. Сергиев В.П., Эхинококкоз цистный (однокамерный): клиника, диагностика, лечение, профилактика / Сергиев В.П., Легоньков Ю.А., Полетаева О.Г. и др. — М.: ВекторБест, 2008. - 33 с.
24. Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза. Москва. Изд. «Династия», 2016. 287с.
25. Эргашов Э.Х. ва бошқалар “Эхинококкоз ўта хавфли касаллик унга қарши курашинг”. / журнал “Ветеринария Узбекистана”, 2000, № 3, 3-6 бет.
26. Kamiya M. Collaborative control initiatives targeting zoonotic agents of alveolar echinococcosis in the northern hemisphere. // J Vet Sci. 2007 Dec;8 (4): 313-21.
27. Liu L et al. Current situation of endemic status, prevention and control of neglected zoonotic diseases in China. // Zhongguo Xue Xi Chong Bing Fang Zhi Za Zhi. 2013 Jun;25 (3):307-11.
28. Lukmanov M.I., Nartailakov M.A., Zul'karnaevbT.R., Gabdrakhimov S.R., Lukmanova G.I. On prevention of cystic echinococcosis in the republic of Bashkortostan. Gigiena I Sanitariia [Gig Sanit] 2015 May-Jun; Vol. 94 (3), pp. 15-7.
29. Piarroux M et al. Populations at risk for alveolar echinococcosis, France. // Emerg Infect Dis. 2013 May;19(5):721-8.

30. Piccoli L., Tamarozzi F., Cattaneo F. Long-term Sonographic and Serological Follow-up of Inactive Echinococcal Cysts of the Liver: Hints for a "Watch-and-Wait" Approach // PLoS Negl. Trop. Dis. - 2014. - № 8. - P. 3057

31. Sniedze L., Andrejs I., Aleksejs D., Ludmila V. Cystic echinococcosis: epidemiological and clinical aspects of latvian population and review of the literature. Eksperimenta  l'naia i Klinicheskaiia Gastroenterologiia = Experimental & Clinical Gastroenterology [Eksp Klin Gastroenterol] 2015 (7), pp. 24-30.

МУНДАРИЖА

Аннотация	3
Қисқартмалар	4
Кириш	5
Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари	5
Эхинококкознинг этиологияси, эпизоотологияси эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати	
Тарихи	7
Этиологияси	7
Эхинококкоз қўзгатувчисининг ҳаёт цикли	9
Эпизоотологияси	11
Эхинококкоз касаллиги келтирадиган иқтисодий зарап	15
Эпидемиологияси	16
Ўзбекистон Республикасида эхинококкознинг тарқалганлиги.....	21
Эхинококкоз касаллигининг профилактикаси	24
Эпидемиологик назорат	26
Билимларини назорат қилиш учун мавзуга оид тест саволлари	28
Фойдаланилган адабиётлар	32



MUHARRIRIYAT VA NASHRIYOT BO'LIMI

Объем – 1,9 уч. изд. л. Тираж –100. Формат 60x84. 1/16. Гарнитура «Times New Roman»
Заказ № 0890 -2021. Отпечатано РИО ТМА
100109. Ул. Фароби 2, тел: (998 71)214-90-64, e-mail: rio-tma@mail.ru